




O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

**SPORT
VAZIRLIGI**

Янги таҳрирдаги Конституциянинг ўзига хос хусусиятлари





Юртимизда 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган референдумда янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси иштирок этган фуқароларнинг **90,21 фоизи** томонидан ёқлаб овоз бериш орқали қабул қилинди.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Я Н Г И Т А Х Р И Р Д А Г И К О Н С Т И Т У Ц И Я

Янги таҳрирдаги Конституция **6 та бўлим, 27 та боб** ва **155 та модда**дан иборат.




КОНСТИТУЦИЯВИЙ ИСЛОҲОТЛАР



Янгиланаётган Конституция Ўзбекистон Республикасининг эволюцион ривожланишидан келиб чиқаётган ҳаётий заруратдир.

Сўнгги 6 йилда эришган ютуқларимизни, ислоҳотларнинг ортга қайтмаслигини ишончли конституциявий ҳимоясини таъминлаш, эришилган натижалар, ҳуқуқ ва эркинликларидан келажак авлодларимиз эркин фойдаланиши учун Конституцияда муҳрлаб қўйиш зарур.

Ўзбекистон аҳолиси 2040 йилга бориб 50 миллионга етиши, хусусан ярмидан кўпи ёшлар бўлиши, уларга муносиб шароит қилиб бериш учун барқарор иқтисодиёт, хавфсиз давлат, самарали бошқарув, ижтимоий кафолатлар бўлиши лозим. Буларнинг барчаси учун мустақам ҳуқуқий пойдевор зарур бўлиши, Янги Ўзбекистонга янгиланаётган Конституция кераклигини кўрсатмоқда.





#Янги_таҳрирдаги_Конституция

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил қилади

15-модда





#Янги_таҳрирдаги_Конституция


Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил қилади

15-модда





#Янги_тахрирдаги_Конституция



Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисмидир. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонунида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилади


15-модда



#Янги_таҳрирдаги_Конституция


**Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар
кимга туғилганидан бошлаб
тегишли бўлади**

19-модда





#Янги_тахрирдаги_Конституция



Ўзбекистон Республикасида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган нормаларига биноан ҳамда ушбу Конституцияга мувофиқ эътироф этилади ва кафолатланади. Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳар кимга тугилганидан бошлаб тегишли бўлади

19-модда



#Янги_таҳрирдаги_Конституция



*Ҳар бир инсон ўз шахсини
эркин камол топтириш ҳуқуқига эга*



21-модда





#Янги_таҳрирдаги_Конституция

Ҳеч кимга унинг розилигисиз
қонунчиликда белгиланмаган
мажбурият юклатилиши
мумкин эмас

21-модда





#Янги_тахрирдаги_Конституция

Ўзбекистон Республикаси
фуқароси Ўзбекистондан
ташқарига мажбурий
чиқариб юборилиши
ёки бошқа давлатга бериб
юборилиши мумкин эмас

23-модда





#Янги_таҳрирдаги_Конституция

Давлат хорижда яшаётган ватандошлар билан алоқаларни сақлаб қолиш ҳамда ривожлантириш тўғрисида халқаро ҳуқуқ нормаларига мувофиқ ғамхўрлик қилади

23-модда






#Янги_тахрирдаги_Конституция



*Ўзбекистон Республикасида
ўлим жазоси тақиқланади*



25-модда





#Янги_таҳрирдаги_Конституция

Шахсни ушлаш чоғида
унга тушунарли тилда
унинг ҳуқуқлари ва ушлаб
туриш асослари
тушунтирилиши шарт

27-модда





#Янги_таҳрирдаги_Конституция


Шахс суднинг қарорисиз қирқ саккиз соатдан ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмас. Шахс ушлаб турилган пайдан эътиборан қирқ саккиз соат ўтгунига қадар судга ушлаб туришнинг қонунийлиги ва асослилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилиш учун олиб борилиши керак. Агар ушлаб туришнинг қонунийлиги ва асослилиги судда исботланмаса, шахс дарҳол озод қилиниши керак

27-модда





#Янги_тахрирдаги_Конституция



Ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши, ушлаб турилиши, қамоққа олиниши, қамоқда сақланиши ёки унинг озодлиги бошқача тарзда чекланиши мумкин эмас. Ҳибсга олишга, қамоққа олишга ва қамоқда сақлашга фақат суднинг қарорига кўра йўл қўйилади

27-модда



#Янги_тахрирдаги_Конституция



Гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчи ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмас ва исталган вақтда сукут сақлаш ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин




28-модда





#Янги_тахрирдаги_Конституция



Айбдорликка оид барча шубҳалар, агар уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг ёки маҳкумнинг фойдасига ҳал қилиниши керак

28-модда



#Янги_таҳрирдаги_Конституция

**Агар шахсинг ўз айбини тан олганлиги
унга қарши ягона далил бўлса,
у айбдор деб топилиши
ёки жазога тортилиши
мумкин эмас**

28-модда





#Янги_таҳрирдаги_Конституция

Ҳеч ким ўзига ва яқин қариндошларига
қарши гувоҳлик беришга
мажбур эмас

28-модда

Яқин
қариндошим!..
Гувоҳлик?..






#Янги_таҳрирдаги_Конституция

Ҳар бир шахс жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлиги ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан эътиборан ўз танловига кўра адвокат ёрдамидан фойдаланиш ҳуқуқига эга

29-модда





#Янги_тахрирдаги_Конституция

**Ҳар кимга малакали
юридик ёрдам олиш
ҳуқуқи кафолатланади**

29-модда





#Янги_тахрирдаги_Конституция

Ҳар ким ёзишмалари, телефон орқали сўзлашувлари, почта, электрон ва бошқа хабарлари сир сақланиши ҳуқуқига эга. Ушбу ҳуқуқнинг чекланишига фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилади

31-модда





#Янги_таҳрирдаги_Конституция


Ҳар ким ўз шахсига доир маълумотларнинг ҳимоя қилиниши ҳуқуқига, шунингдек нотўғри маълумотларнинг тузатилишини, ўзи тўғрисида қонунга хилоф йўл билан тўпланган ёки ҳуқуқий асосларга эга бўлмай қолган маълумотларнинг йўқ қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга

31-модда





#Янги_тахрирдаги_Конституция



Қонуний асосларда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлиб турган ҳар ким мамлакат бўйлаб эркин ҳаракатланиш, турар ва яшаш жойини танлаш ҳуқуқига эга, бундан қонунда белгиланган чекловлар мустасно.

Ҳар ким Ўзбекистондан ташқарига эркин чиқиш ҳуқуқига эга, бундан қонунда белгиланган чекловлар мустасно. Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистонга тўсқинликсиз қайтиш ҳуқуқига эга

32-модда



#Янги_тахрирдаги_Конституция

Давлат Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади

33-модда





#Янги_таҳрирдаги_Конституция


Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш зарурати ҳисобга олинган ҳолда белгиланади

42-модда





#Янги_таҳрирдаги_Конституция



*Болалар меҳнатининг боланинг соғлигига,
хавфсизлигига, ахлоқига, ақлий ва жисмоний
ривожланишига хавф солувчи, шу жумладан унинг
таълим олишига тўсқинлик қилувчи ҳар қандай
шакллари тақиқланади*

44-модда




#Янги_тахрирдаги_Конституция



*Қонунда белгиланган пенсиялар, нафақалар
ва бошқа турдаги ижтимоий ёрдамнинг
миқдорлари расман белгиланган энг кам истеъмол
харажатларидан оз бўлиши мумкин эмас*



46-модда






#Янги_тахрирдаги_Конституция



*Ўзбекистон Республикаси фуқаролари
тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини
қонунда белгиланган тартибда давлат
ҳисобидан олишга ҳақли*




48-модда





#Янги_таҳрирдаги_Конституция



Давлат фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатишига йўл қўймаслик мақсадида шаҳарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади

49-модда

ЯНГИЛАНАЁТГАН КОНСТИТУЦИЯДА СУРИШТИРУВ, ТЕРГОВ ВА СУД ЖАРАЁНИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИГА ОИД **9 ТА** ЭНГ МУҲИМ КАФОЛАТДАН ХАБАРДОРМИСИЗ?



1. Шахсни ушлаш чоғида унга **тушунарли тилда** унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари тушунтирилиши шарт.



2. Шахс ўзининг айбсизлигини исботлаши шарт эмас ва исталган вақтда **сукут сақлаш** ҳуқуқидан фойдаланиши мумкин.



3. Айбдорликка оид барча шубҳалар гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ёки **маҳкумнинг фойдасига** ҳал қилиниши керак.



4. Агар шахснинг ўз айбини тан олганлиги унга қарши **ягона далил** бўлса, у айбдор деб топилиши ёки жазога тортилиши мумкин эмас.



5. Шахс ўзига ва яқин қариндошларига қарши **гувоҳлик беришга** мажбур эмас.



6. Шахс суднинг қарорисиз **қирқ саккиз соатдан** ортиқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмас.



7. Ҳибсга олиш, қамоққа олиш ва қамоқда сақлашга фақат **суднинг қарорига** кўра йўл қўйилади.



8. Ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар, почта, электрон ва бошқа хабарлар **сир сақланишини чеклашга** ҳамда уй-жойда тинтув ўтказишга фақат қонунга мувофиқ ва суднинг қарорига асосан йўл қўйилади.



9. Ҳар кимга малакали **юримдик ёрдам** олиш ҳуқуқи кафолатланади. Қонунда назарда тутилган ҳолларда юримдик ёрдам давлат ҳисобидан кўрсатилади.